

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИДА ЖАДИДЛАР ҲОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИСЛОҲАТЛАР.

Каримова Зухраҳон Абдурахмон қизи

*Тошкент шаҳар Яккасарой туман Ахборот-кутубхона маркази
Фондларни тўлдириш сақлаш ва уларга ишлов бериш хизмати раҳбари.
+99893-818-86-88*

Аннотатсия. Ушбу мақолада Тошкент шаҳар Яккасарой туман Ахборот-кутубхона марказида Жадидлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида бир қатор амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида маълумотлар берилган. Жадидлар аслида ким бўлганини ва улар қандай фаолият олиб борганлиги, айнан ўша давр тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Жадид, Ахборот-кутубхона маркази, маърифатпарварлик, абадийлаштириш, Миллатимиз фидойилари, тараққиёт босқичи, янги.

Жадидлар ким бўлганини тушуниб олиш учун ўша давр тарихини жуда яхши билиш зарур. Аслида «жадид» сўзининг маъноси «янги» демакдир. Лекин у шунчаки «янги», «янгилик тарафдори» дегани эмас, балки «янги тафаккур», «янги инсон, «янги авлод» сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган. Жадидчилик – давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ этиш ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман, жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган ҳамда аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган ғоялар тизими. Бу тизим жаҳон цивилизациясида ниҳоятда катта роль ўйнаган Туркистондек бир тарихий ўлкада шарқона ҳаёт тарзини сақлаган ҳолда уни Ғарб ва Европа тараққиёти натижалари билан бойитишни кўзлаган.

Жадидлар хотирасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 майдаги ПҚ-201 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсия ҳузуридаги Ахборот-оммавий коммуникациялар агентлигининг 2024 йил 4-июнда 111-сонли буйруғи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2024-йил 14 июнда буйруғлари ижро учун қабул қилинди. Буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида барча Ахборот-кутубхона марказларида Жадидлар ҳаракатига оид ноёб китоблар рақамлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Яккасарой туман ахборот кутубхона марказида буйруқ ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда жумладан Ахборот-библиография бўлими томонидан ҳар ойда “Жадид

маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари” мавзусида кутубхонада жойлашган китоблардан китоб кўргазмаси фойдаланувчиларга намойиш этилиб келмоқда, бу албатта халқнинг ва китобхонларнинг Жади́длар хотирасини янада мустахкамланишига сабаб бўлмоқда.

Яккасарой туман Ахборот-кутубхона маркази ходимлари ўртасида тил ўрганишга алоҳида аҳамият берилган дея олишимиз мумкун 1 нафар ходим инглиз тили сертификати, 1 нафар ходим эса Турк тилини билиш сертификатларига эга, айнан шунинг учун ҳам жади́длар китобларини кенг тарзда тарғиб қилиш мақсадида #Mutolaa_uchun_tavsiya номи остида Бахтиёр Ҳасановнинг “Миллатимиз фидойилари”, Абдулла Алоний “Танланган асарлар”, Жади́д адабиёти намоёндалари тўпламлари, Жади́дчилик фонмени, Абдурауф Фитрат “Танланган асарлар” каби кутубхона фондида мавжуд китобларини 3 хил тилда Латин, Инглиз, Турк тилларида китоб ҳақида қисқача маълумот берилмоқда, бу лойиҳадан ташқари #Men_õqidim_sizga_ham_tavsiya_ qilaman лойиҳаси остида ҳам кутубхона ходимлари томонидан айнан Жади́д намоёндаларининг китоблари тавсия қилинмоқда.

Юртимизда 2001-йилдан буён ҳар йили 31-август-“Қатағон қурбонлари ёд этиш куни” сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Ушбу санани нишонлаш ҳақидаги қарор Ўзбекистон президенти томонидан 2001 йилнинг 1-май куни қабул қилинган. Шу муносабат билан, 2024 йил 29 август куни Яккасарой туман ахборот-кутубхона марказида “Жади́д маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари” номли китоблар кўргазмаси ташкил этилиб, марказ фойдаланувчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19-июлда “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида” ги ПҚ-270-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида буюк жади́д аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини кенг тарғиб қилиш, маънавий дунёсини бойитиш мақсадида Яккасарой туман ахборот-кутубхона марказлари ходимлари томонида “Жади́длар мангу хотирамизда” ва “Жади́длар изидан” номли давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бу каби ислохатлар албатта Жади́длар хотирасини янада мустаҳкамлайди.

Хулоса

Президентимиз Мурожаатномада алоҳида таъкидлаганидек: «Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жади́д боболаримиз фаолиятини янада чуқур

Ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур».

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://t.me/yakkasaroy_AKM
2. <https://uza.uz/uz/>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 майдаги ПҚ-201 сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация хузуридаги Ахборот-оммавий коммуникациялар агентлигининг 2024 йил 4-июнда 111-сонли буйруғи.
5. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2024-йил 14 июнда буйруғи.